

ИЛОВАЛИ КОНСТРУКЦИЯДА ТЕМА ВА РЕМА МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

проф. М.Бегматов (СамДЧТИ)

Матн мuloқот шакларидан бири бўлиб, тилнинг ёзма кўринишини акс эттиради ҳамда ўзига хос тил хусусиятларини ўзида сақлаб қолади. Матннинг структуравий-композицион тузилиши, таркибий қисмлари ҳақида гап борганда, энг аввало кўз олдимизда матннинг тематик ва рематик элементлари номоён бўлади. Чунки матн тузилишида тематик ва рематик элементлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уларсиз матн тўғрисида бирор бир маълумотга эга бўлиш мумкин эмас.

Тематик ва рематик элементлар ўз табиатига кўра тема ва рема тушунчаларини билдиради. Тема ва рема тушунчалари гапнинг актуал бўлиниши назарияси бўйича фақатгина ягона битта гапга тегишли бўлмасдан, балки улар икки ёки ундан ортиқ гаплардан ташкил топган матнларга ҳам тегишли бўлади. Чунки матн ҳам ўз навбатида икки ёки ундан ортиқ гапларнинг ўзаро боғланиши туфайли юзага келади. Нутқ жараёнида гапларнинг ўзаро боғланиши асосан олдинги гапдаги бирор бўлакни кейинги гапда такрорлаш, олдинги гап структура қисмларини кейинги гапларда кенгайтириш орқали юз беради [3; 18-б.].

Иловали элементлар у ёки бу матнни юзага келтиришда иштирок этадиган лексик ва грамматик воситалар ичида энг асосий воситалардан бири сифатида талқин этилади. Таркибида ҳар хил мазмунга ва ҳар хил шаклларга эга бўлган иловали элементлар учрайдиган матнларга келсак, улар бошқа машқлардан ўзига хос бўлган баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қиласди. Бу фарқ аоосан фикрнинг бошланиш маркази ҳисобланмиш тема таркибида содир бўлади. Чунки тема бир вактнинг ўзида ҳам тема, ҳам рема функциясида келиши мумкин, яъни ўзгариб туради. Унинг ўзгаришига иловали элементтарнинг матн таркибида тутган позициялари ҳам таъсир қилиш мумкин. Иловали элементлар машқ таркибида ҳар хил синтактик, семантический, стилистик, прагматик ва коммуникатив функцияларни бажаради. Уларнинг матн таркибида бажарган бундай функциялари гап таркибида бажариб келган функцияларидан маълум даражада фарқ қиласди, чунки иловали элементлар матннинг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Ich will Dir mal wieder ein Brieflein schreiben. Mir geht es noch gut, was ich auch von Dir hoffe (Fallada, S.44).

Мисолда келтирилган матнлар бўйича шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, матнларнинг таркибий қисмларини ташкил қилувчи гаплар одатда кетма-кет ёки параллел боғланишда бўлиши мумкин. Гапларнинг матн таркибида бир-бирларига нисбатан кетма-кет келиши тизма боғланишга асосланади. Бироқ мисолда келтирилган матнларни ташкил этувчи гаплар параллел ва кетма-кет боғланган.

Параллел боғланишда фикр тизма боғланишдаги каби бирин-кетин уланиб кетавермайди. Бунда фикр ривожи ҳикоя қилиш, тасвирий характерда бўлади. Масалан, *mal* иловали элементи *wieder* равиши билан; *auch* иловали элементи *von Dir* кўмакчили бирикма билан ўзаро синтактик муносабатга киришади. Демак, иловали элементлар ўз ядроларига нисбатан аниқ бир синтактик функция бажаради.

Иловали элементларнинг семантический ва синтактик функцияларининг шаклланишида уларнинг коммуникатив функциялари ҳам муҳим роль ўйнайди. Коммуникатив марказ қайд этилган мисоллар таркибида ремалар орқали ифодаланган, чунки коммуникатив марказни юзага келтирувчи иловали элементлар ана шу ремалар таркибида келмоқда.

Иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятларни бошқа матнлар таркибида ҳам кузатиш мумкин:

"Sie können Ihren Mann ebenso wenig besuchen, wie er Sie besuchen kann. Ein solcher Besuch nützt ihm nichts, denn Sie kommen nicht bis zu ihm, und er schadet nur Ihnen" (Fallada, S. 72).

Матнлар, ўз структуравий хусусиятларига кўра, икки ёки ундан ортиқ содда ёки қўшма гаплардан иборат бўлиши мумкин. Матнни ташкил этувчи бундай гаплар грамматик жиҳатдан мустақил бўлиб, улар ўзаро умумий мазмун томонидан боғланадилар. Матнларга хос бўлган бундай хусусиятларни тўртинчи рақамли мисол асосида изоҳлаб беришга ҳаракат қиласиз. Ушбу матн таркибида битта эргашган қўшма гап ва битта уч компонентли боғланган қўшма гап бор. Умуман олганда, ушбу матн иккита қўшма гапдан ташкил топган, унинг таркибий қисмлари бир-бирлари билай ҳам мазмуний, ҳам структуравий боғланган. Улар орасидаги мазмуний алоқадорлик маълум бир умумий ёки ҳаракат ҳолат асосида юзага келади. Бу ерда умумий ёки таянч предмет сифатида *ein Besuch* компоненти келади. *Ein Besuch* компонентининг турли функцияларда ва турли хил шаклларда ифодаланиб келиши, бир томондан матнга мазмуний бутунлик бериб, иккинчи томондан ушбу матннинг таркибий қисмини ташкил этувчи мустақил гапларнинг бир-бирлари билан ҳаракат-ҳолат орқали ўзаро боғлиқликларни таъкидлайди [1; 89-б.].

Бундай матнлар таркибидаги бириичи гап матнда асосий роль ўинайди, чунки у одатда тема функциясида келади. Тема, яъни ахборот маркази кейинги гаплар, яъни ремалар ёрдамида ойдинлашади. Демак, "Sie können Ihren Mann ebensowenig besuchen, wie er Sie besuchen kann" тема бўлса, ана шу теманинг ривожи сифатида, рема яъни "*Ein solcher Besuch nützt ihm nichts, denn Sie kommen nicht bis zu ihm, und er schadet nur Ihnen*" келади. Рема – бу ўз табиати билан коммуникатив марказ ҳисоблангани учун, у томонидан изоҳланган мазмун ҳал қилувчи асосий мазмун деб ҳисобланади. Рема мазмунининг ҳал қилувчи бўлишида, унга бошқа лексик-грамматик воситаларнинг ҳам таъсири бор. Ана шундай восита сифатида ушбу матн таркибида *nur Ihnen* иловали элементли бирикма келмоқда. *Nur Ihnen* иловали элементли бирикма факат рема учун эмас, балки у тема учун ҳам муҳим элемент ҳисобланади, чунки у бутун бир матнга якун ясаяпти, хотима беряпти, унинг мазмуни бу ерда ҳал қилувчи, китобхоннинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилувчи восита сифатида реаллашган.

Ҳақиқатдан ҳам иловали элементлар матн таркибидаги ўта таъсиран чон воситалар сифатида қўлланилади. Улар матнларда оддий бир ёрдамчи сўз сифатида эмас, балки Ю.М.Малинович таъбири билан айтганда, синтаксиснинг муҳим эмоционал ва экспрессив элементлари [2; 248-б.] сифатида ифодаланиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вольперт Р.Х. Проблема завершённости предложения и роль частицы *es* в создании законченной схемы. Тезисы докладов. Межвузовская конференция по проблемам современных германских языков. Рига, 1967. -С. 89-92.
2. Жумаев О.К. О Лексической Эмотивности // Ученый XXI века. – 2016. – С. 52.
3. Малинович, Ю.М. Эмоционально-экспрессивные элементы синтаксиса современного немецкого языка Текст.: Дисс... на соиск. уч. степ. докт. филол. наук / Ю.М.Малинович. Иркутск: Изд-во ИГПИИЯ, 1990. – 351 с.
4. Рабинович Ц.А. Темо-рематическая сегментация текста. Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. канд. филол наук. М., 1982. -20 с.
5. Begmatov M. About speech word in modern German //9th International Conference " Science and practice: a new level of integration in the modern world", Scope Academic House. – 2019. – С. 32-35.